# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 17-DEKABR, SESHANBA, 151 (8232)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Шаҳрисабз туманидаги “Kesh-negtar” қўшма корхонасига қарашли иссиқхонада қишда ҳам сара сабзавотлар етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ этилмоқда. Айни пайтда иссиқхонада иш қизғин. Дастлабки ҳосил саранжомланяпти. Бир ҳафтада 3,5-4 тонна бодринг ва помидор истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

2




Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ана шу қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда молия муассасаларининг, хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳам муносиб улуши бор.

3




Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги республика иқтисодиёти тармоқларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид қарорига мувофиқ белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Қорақалпоғистон Республикаси

2014 йил – Соғлом бола йили

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

## Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда долзарб аҳамият касб этаётир

**Юртбошимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб эълон қилингани она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлома етук инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир.**



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Оролбўйининг шимолий ҳудудида жойлашган Тахтакўпир туманида 38632 нафар киши истиқомат қилади. Уларга марказий шифохона, кўп тармоқли поликлиника, 10 та қишлоқ врачлик пункти ва 11 та фельдшер-акушерлик пункти малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда туман аҳолиси, шу жумладан, болалар ва туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Туман тиббиёт бирлашмаси ва “Жанадарё” қишлоқ врачлик пунктларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, туман марказий шифохонасига қарашли шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва туғиш бўлимлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Туман марказида икита, “Мулк” овул фуқаролар йиғинида эса битта тез ёрдам марказлари ташкил этилган.

– Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш, энг асосийси, уларнинг туман марказига қатнамасдан жойларнинг ўзида тиббий ёрдам олишига қаратилган, – дейди Тахтакўпир тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Нажиматдин Аимбетов. – Жумладан, “Саломатлик-1” лойиҳаси бўйича тумандаги “Ўзбекистон”, “Муйтен аул”, “Тахтакўпир”, “Мақпалкўл”, “Давқора”, “Жанадарё”, “Саломатлик-2” лойиҳаси бўйича “Боршитов”, “Қўнғироткўл”, “Маржонкўл” қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Мазкур қишлоқ врачлик пунктларида 8 нафар умумий амалиёт ва педиатр, терапевт шифокорлари, 155 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Меҳнат фахрийси Раўаж ота Реймқуловни айнан «Муйтен аул» қишлоқ врачлик пунктида даволанаётган пайтида учратдик. Келгуси йилда 80 ёшни қаршилайдиган отахон қишлоқ жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишлардан мамнунлигини билдирди. Отахоннинг сўзларини ёш оналар Жайна Жолдасбоева ва Гулжамол Айтмуратовалар ҳам маъқулладилар.

– 1996 йилда фойдаланишга топширилган даволаш масканимиз кунига 50 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга, – дейди тумандаги “Муйтен аул” қишлоқ врачлик пункти мудираси Алмагул Пиржанова. – Биз тиббий ёрдам кўрсатадиган Қара ой овул фуқаролар йиғинида 2334 нафар киши истиқомат қилади. Улардан 500 нафарга яқинини болалар ташкил этади. Даволаш масканимизда физиотерапия, лаборатория, дорихона ва бошқа бўлимлар бўлиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Қишлоқ врачлик пунктимиз “Саломатлик” лойиҳаси бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, хусусан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом боланинг туғилиши, баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Саломатлик кунлари доирасида асосий эътибор кам таъминланган, ногирон, ёрдамга муҳтожларни тиббий кўрикдан ўтказишга қаратилмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича нуронийлар, ёш оилалар, болалар ва ўсмирлар, хонадон ва экология, аёллар ва қизлар кунлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Айни кунларда овул фуқаролар ҳудудидаги 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

ДИЛ СЎЗИ

# АҲИЛ ОИЛАНИНГ ФАРЗАНДИ СОҒЛОМ БЎЛАДИ

**Кириб келаётган йилнинг мамлакатимиз Президенти томонидан “Соғлом бола йили”, деб эълон қилиниши республикамизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан буён изчиллик билан амалга ошириб келинаётган инсонпарварлик, халқпарвалик сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Ўтган давр мобайнида турмуш ободлиги, она ва бола саломатлиги, оила мустаҳкамлиги, ёш авлодни етук ҳамда баркамол қилиб вояга етказишга ҳамда бошқа улуғвор мақсадларга қаратилган мана шундай йил дастурлари нақадар юксак самара бераётганига ишонч ҳосил қиляпмиз.**

Ана шу эзгу тадбирлар ҳосиласи бугунги кунда фарзандларимизнинг ўқишда, спортда, санъатда ва бошқа соҳаларда қўлга киритаётган ажойиб ютуқларида ёрқин намоён бўлаётир. Бу нафақат ана шу ўғил-қизлар униб-ўсган оилалар, балки барча юртдошларимиз қалбига чексиз ғурур бағишлайди.

Мамлакатимиз раҳбари алоҳида уқтириб ўтганларидек, соғлом фарзандни соғлом, аҳил ва мустаҳкам оилада вояга етказиш мумкин. Шубҳасизки, бунинг учун мамлакатимизда қурилаётган ҳар бир оила, ҳар жиҳатдан бенуқсон, бекаму кўст бўлиши, унда меҳр-муҳаббат, ҳурмат, ўзаро садоқат муҳити ҳукм суриши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари ходимлари зиммасига қанчалик катта масъулият юклайди.

Чунки оилавий турмуш остонасига қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиз соҳамиз ходимларига албатта, рўбарў келадилар. Никоҳни қайд этишга тайёргарлик жараёнида ФҲДЁ ходимларининг ўз бурчига нақадар садоқат ва ҳалоллик билан муносабатда бўлиши, бўлғуси келин-куёвнинг саломатлиги, маънавий, ахлоқий жиҳатдан бир-бирларига қай даражада муносиб эканликларини нечоғли синчиклаб, теран кузатувдан ўтказиши қонун талабларига қатъий риоя этилишига эришиши жуда катта аҳамиятга эга. Ана шунда оилавий турмушга етарлича тайёргарлик кўрмасдан, шошқалоқлик билан никоҳдан ўтиш, бунинг оқибатида бир-икки йилга қолмай характерлари тўғри келмаганини рўкач қилиб, ажралиб кетиш ҳоллари шунчалик кам бўлади. Улардан туғилган фарзандларнинг соғлиғига, руҳиятига путур етмайди. Кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида бунга кўп бор ишонч ҳосил қилганман.

Соғлом бола йилида фарзандларимиз саломатлигини таъминлаш борасидаги кенг кўламли ишлар билан бир қаторда оилалар ободлиги, аҳиллиги ва мустаҳкамлиги билан боғлиқ тадбирлар ҳам изчил давом эттирилиши шубҳасиз. Биз, ФҲДЁ идоралари ходимлари ана шу хайрли ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Шоира ЗОҲИДОВА,**
**Самарқанд шаҳридаги 1-сон ФҲДЁ бўлими мудираси.**

АНЖУМАН

**Миллий матбуот марказида “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан соҳани янада такомиллаштиришга бағишланган анжуман ташкил этилди.**

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ ГАРОВИ

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги ҳамда аҳоли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, иқтисодиёт ривожини рағбатлантиришда суғурта хизматлари катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда суғурта бозори институционал инвестиция манбаларидан бири бўлиб ҳам хизмат қилади. Мамлакатимизда суғурта бозори тез суръатларда ўсиб, унинг хизмат сифати ошиб, аҳолининг ишончи ортмоқда.

“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан жорий йилнинг 11 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслар билан 3,66 миллион дона суғурта шартномалари имзоланган. Суғурта мукофотлари тушуми 53,3 миллиард сўмни ташкил этди. Олинган жавобгарлик доирасида бахтсиз ҳодисалар ва табиий офатлар натижасида кўрилган зарар учун жами 7562 нафар шахсга суғурта қопламалари тўлаб берилди. Бу кўрсаткичлар бажарилган ишларнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизга ўсганини билдиради.

Мижозларига юздан ортиқ хизмат турини таклиф этаётган компанияда электрон дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ғалла ва пахта ҳосилини суғурталаш бўйича ҳисоботларни юритиш, суғурта портфелини шакллантириш ҳамда тезкор бошқаришни йўлга қўйишдан иборатдир.

Тадбирда тизимга бўлган ишонч, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Журналист ва иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олдилар.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ**

# ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг бебаҳо бойлиги – тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Республика Байналмилал маданият маркази томонидан бир қатор вазирлик, жамоат ва ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда “Туркистон” саройида ўтказилган “Ўзбекистон – умумий уйимиз” республика V дўстлик ва маданият фестивалида ушбу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган ушбу тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Фестивалнинг очилишида Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити мамлакатимизда инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн олти диний конфессия вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, мамлакатимиз тараққиёти, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини жадал равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Мамлакатимизда миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги тотувлик, аҳиллик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, тинчлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш йўлидаги оқилона ва доно сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Ушбу жиҳатлар дўстлик ва маданият фестивали доирасида Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган «Фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик – мамлакат ободлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда ҳам алоҳида таъкидланди.

1992 йилда Республика Байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширишга хизмат қилаётир. Бугунги кунда юртимизда бир юз қирқдан зиёд миллий маданият марказларининг самарали фаолият кўрсатаётгани миллатлараро муносабатларни, ижтимоий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Республика Байналмилал маданият маркази миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришда миллий маданият марказларига яқиндан кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга оид жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўз қадр-қимматини теран англаган, мустақил фикрловчи инсонлар этиб вояга етказиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш мазкур марказ фаолиятида муҳим ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши барча вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари каби ушбу марказ зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

(Давоми 2-саҳифада)

Наманган вилояти

▼ ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

# Ерга эътибор самараси

**Мингбулоқ туманида айни пайтда 601 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар тасарруфида 37 минг 221 гектар ер майдони бўлиб, шундан 31 минг 169 гектари суғориладиган ер майдонларидир. Бевосита пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларнинг сони эса 389 тани ташкил этиб, 30137 гектар экин майдонида пахта ҳамда бошоқли дон экинлари етиштириб келинади.**

Мингбулоқлик фермерлар жорий йилда пахтачиликда яхши натижаларга эришдилар. 35250 тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Тумандаги "Сайдали ҳожи", "Суяркул ота", "Мулкобод орзулар диёри", "Қизил Қум М", "Нурали Сайдалиевич", "Шохруҳ Йўлдошев" каби фермер хўжаликлари ҳар бир гектар ер ҳисобидан олинган ҳосилдорликни ўртача 40-46 центнерданга етказиб, пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

Обод турмуш йилида нафақат пахтачилик, балки пиллачилик ҳамда ғаллачилик соҳаларида ҳам юксак натижалар қайд этилгани қувонарлидир, албатта. Бошоқли дон экинларидан олинган ҳосилдорлик туман бўйича 43,4 центнерданга тўғри келиб, ғалла хирмони мўлжалдаги 38900 тонна ўрнига 39230 тоннани ташкил этди. Етиштирилган ҳосилнинг 25015 тоннаси давлат дон маҳсулотлари корхоналарига топширилди.

Туман экин майдонларининг асосий қисми шўрхок ва шўртоб ерлар ҳиссасига тўғри келади. Маълумки, ер шўрини ювмай туриб, кўзланган ҳосилни қўлга киритиб бўлмайди.

— Қишки мавсумда туманимиз бўйича жами 15537 гектар экин майдонида ер шўрини ювиш ишлари белгиланган, — дейди "Зардарё" ирригация тизимлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муҳаммаджон Ашуров. — Ерларнинг шўрланиш даражасига қараб 11442 гектарида бир маротаба, 3961 гектарида икки маротаба, 133,6 гектарида эса 3 маротабагача яхоб суви берамиз. Вилоятимиздаги "Норин-Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассисларининг кўмагида бу муҳим агротехник тадбирни тез ва сифатли ўтказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шўр ювиш ишларида қатнашаётган барча техник ходим ва сувчиларга зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, улар махсус кийим-бош ҳамда иш қуроллари билан таъминланган. Дала шийпонларида иссиқ жой ҳамда озиқ-овқат таъминоти ташкил этилган.

"Шаҳбоз Азимжонович" фермер хўжалигига Равшанбек Турғунов раҳбарлик қилади. Хўжаликнинг умумий экин майдони 92 гектар бўлиб, шундан 42 гектарида шўр ювиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Пахта ҳосилидан бўшаган экин майдонлари сифатли шудгорланиб, ернинг нишаблигига қараб, махсус техника ва механизмлар ёрдамида оби-тобида текисланган. Эътиборимизни кенг далада шиддат билан ишлаётган юқори унумли "Магнум" трактори тортди.

— Кунига 20-25 гектар ер майдонида пол олиш ишларини бажаряпман, — дейди туман машина-трактор парки оператори Дилмурод Исматиллаев. — Ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, фермер Равшанбек ака Турғуновнинг очиқ кўнгиллиги, қолаверса, ҳар бир фермер аъзосига кўрсатаётган ёрдами беихтиёр кишини чин дилдан меҳнат қилишга ундайди.

— Экин майдонларининг кузда шудгорланиб, текисланиб, шўри оби-тобида ювилаётганлиги меҳнат ютуқларимизнинг асосий омилларидан биридир, — дейди фермер Равшанбек Турғунов. — Шу боис, бу муҳим агротехник тадбирни ўз вақтида тез ва соз ўтказиш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланяпмиз. Фермер хўжалигимизнинг 33 аъзоси бўлиб, шундан 11 нафарини сувчилар ташкил этади. Алижон Мўминов, Исоқали Ўринбоев, Мўминжон Шамсиев ва бошқаларнинг ҳамжиҳатликда меҳнат қилишлари туфайли ғаллачилик ҳамда пахтачилик соҳаларида юқори натижаларга эришдик. Келгуси — Соғлом бола йилида ҳам меҳнат муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлаб, турмуш фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах вилояти

*Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги фермер хўжаликлари билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, тузилган шартномалар ижроси устидан назорат ўрнатиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.*

# ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ

## ТОМОНЛАРДАН МАСЪУЛИЯТ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигига доир ишларни олиб қарайдиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида ўтказилган ўрганишлар жараёнида шартномалар тузилиши бўйича вилоят "Пилла" МЧЖ ва унинг тизимидаги корхоналарда 185 та қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан 13 та тақдимнома киритилган. Хусусан, вилоят "Пилла" МЧЖга Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зомин, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш ва Янгиобод туманларидаги пилла корхоналарида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 2013 йил 30 августда киритилган 11-09/1738-сонли тақдимномага асосан барча пилла корхоналари раҳбарларига вилоят "Пилла" МЧЖ раисининг 2013 йил 11 сентябрдаги 09-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси, 1-қисми, 1-бандига асосан "Ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилган.

Бундан ташқари, ўрганиш жараёнида вилоятдаги 1768 та фермер хўжаликларининг пилла хомашёси учун тўланиши керак бўлган 370 миллион сўмдан ортиқ пул маблағларини тўлаб бериш тўғрисида пилла корхоналарига 2013 йилнинг 30 август санасида 11-09/1738-сонли тақдимнома киритилиб, мазкур масала фермер хўжаликлари фойдасига ҳал этилган.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, "Арнасой пилла" МЧЖ билан Арнасой туманидаги фермер хўжаликлари ўртасида 2013 йил ҳосили учун пилла харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномасининг 4.4-бандига асосан "Тайёрловчи" маҳсулотни қабул қилиб олгандан кейин шартномада белгиланган нархлар бўйича "Хўжалик"ка 60 кундан кечиктирмаган муддатда унинг ҳақини тўлиқ тўлаш мажбуриятини олган. Бироқ жамият томонидан фермер хўжаликларидан пиллани қабул қилиш 2013 йил 8-9 июнь кунлари якунланган бўлса-да, ўрганиш кунига қадар 126 та фермер хўжаликларининг жами 29 498,9 минг сўмлик пул маблағлари тўлаб берилмаганлиги аниқланган. Жумладан, жамиятга нисбатан вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага кўра, "Фориш сойлари" фермер хўжалигининг 236 минг, "Зиёдхол" фермер хўжалигининг 252,5 минг, "Ғалла насибамиз пахта ғуруримиз" фермер хўжалигининг 203,5 минг, "Эшонкул ота" фермер хўжалигининг 104,2 минг, "Осиётейит" фермер хўжалигининг 274,9 минг, "Тонг нур жилваси" фермер хўжалигининг 326 минг, "Чўлдаги Қодирбой" фермер хўжалигининг 284,7 минг, "Накрут кўли" фермер хўжалигининг 451,7 минг, "Ифтихор" фермер хўжалигининг 300,9 минг сўмлик пул маблағлари тўлаб берилган.

2013 йилнинг 9 ойи давомида фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб хўжалик судларига киритилган 2 миллиард 813 миллион 677 минг 309 сўмлик 330 та даъво аризасини қаноатлантириш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилган.

Шунингдек, бўлим томонидан вилоятдаги пахта тозалаш корхоналарида фермер хўжаликларининг 2012 йил ҳосилидан топширилган пахта хомашёси учун тўлаб берилмаган 90 фоизлик пул маблағларини ундириш юзасидан жами 1 миллиард 654 миллион 548 минг 497 сўмлик 195 та даъво аризалари вилоят хўжалик судига киритилди. Натижада суд томонидан барча даъво аризалари қаноатлантирилиб, фермер хўжаликларига 1 миллиард 338 миллион 962 минг 348 сўмлик пул маблағлари ундириб берилди. Мазкур ишда масъулиятсизликка йўл қўйиб, шартнома интизомини бузган мансабдор шахслар эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, пахта тозалаш корхоналари томонидан вилоятдаги 101 та фермер хўжалигининг 2012 йил ҳосилидан топширилган пахта хомашёси учун тўлаб берилмаган 215 миллион 376 минг 826 сўмлик пул маблағлари ҳам қонуний йўл билан фермер хўжаликларига ундириб берилди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан Жиззах туманидаги "Холмўминов Зоҳид" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Нориеванинг Жиззах тумани ҳокимининг 2012 йил 12 декабрдаги 962-сонли қароридан норози бўлиб берган аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, мазкур қарорда "Холмўминов Зоҳид" фермер хўжалигига қарашли бўлган ер майдонидан "Ҳамзаобод" ҚФЙ Олмачи маҳалласида яшовчи фуқаро F.Норбековга уй-жой учун мулк ҳуқуқини бериш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган.

Ушбу мурожаат инобатга олиниб, бўлим томонидан фермер хўжалиги манфаатини кўзлаган ҳолда Жиззах туман ҳокимлигига 2013 йилнинг 24 июль куни 11-09/2059-сонли тақдимнома киритилди. Натижада Жиззах тумани ҳокимининг 2013 йил 8 августдаги 1265-сонли қарори билан F.Норбековга уй-жой учун мулк ҳуқуқини бериш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарори бекор қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят адлия бошқармасининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан аграр соҳада фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар фермер хўжаликлари фаолиятининг янада такомиллашувига, иқтисодий барқарорлигига хизмат қилмоқда.

**Адҳам ШАЙЖИГИТОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси.**

# ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

**(Боши 1-саҳифада)**

Марказ томонидан ўтказилаётган дўстлик фестиваллари, илмий-амалий анжуманлар, ижодий лойиҳалар, бадиий ва фото кўргазмалар шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир. 2013 йилнинг апрель ойида Навоий вилоятидан бошланган «Ўзбекистон – умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивали Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, туман ва шаҳарларда байрамона руҳда ўтказилди. Фестиваль доирасидаги ранг-баранг тадбирларда жонажон юртимиз азалдан турли миллат ва элатларнинг ўзаро тинч-тотув яшаб, меҳнат қиладиган диёр сифатида жаҳонга маълум ва машҳур экани, истиқлол йилларида бу жиҳатлар янги маъно-мазмун билан янада бойигани турли мусиқий дастурлар ёрдамида ифода этилди.

– Ўзбекистондек бағрикенг юртда туғилиб, вояга етганимдан ғоят бахтиёрман, – дейди "Светлица польска" Республика поляк миллий маданият маркази раҳбари Олег Скуридин. – Шу юртда таълим олиб, касб-ҳунар эгалладим. Ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Оилам, фарзандларим шу заминда ўсиб-улғайди. Миллатлар ўртасидаги тинчлик ва аҳилликни таъминлаш, барча фуқароларнинг истеъдоди ва қобилиятини намоён этиш йўлидаги эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

– Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг эмин-эркин яшаши, таълим олиши, ўз ижодий қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши, меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Зоя Цой. – Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсонпарвар қоида ва тамойиллар ҳаётда ўз ифодасини топаётганининг амалдаги яққол намунасидир.

Фестивалда миллий маданият марказлари бадиий жамоаларининг юртимиздаги тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги улкан ғамхўрликни ҳамда беғубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Фестиваль доирасида "Кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистон" мавзуида тасвирий ва амалий санъат асарлари, фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қашқадарё вилояти

# ИССИҚХОНАДА САРА САБЗАВОТЛАР

**Шаҳрисабз туманидаги "Kesh-negtar" қўшма корхонасига қарашли иссиқхонада қишда ҳам сара сабзавотлар етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ этилмоқда.**



— 4 гектарлик иссиқхонадан ташқари, 4,5 гектарлик интенсив боғда олхўри ва олма парваришлаяпмиз, — дейди иш юритувчи Ҳамидулла Сайдуллаев. — Мана беш йилдирки, иссиқхонамиз ўзининг иссиқ меҳрини — ҳосилини аямаяпти. Дастлабки йилларда ҳосилдорликда кўзланган натижага эришиш бироз қийин бўлган бўлса-да, 2012 йилдан бу борада юқори самарага эришилди. 2 гектар майдонга помидор экилиб, 100 тоннадан зиёд ҳосил олинди. 2 гектар ердаги бодринг салкам 100 тонна ҳосил берди. Маҳсулотлар Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб ва вилоятимизнинг бошқа туманларига етказиб берилди.



Айни пайтда иссиқхонада иш қизғин. Дастлабки ҳосил саранжомланяпти. Бир ҳафтада 3,5-4 тонна бодринг ва помидор истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

— Мақсадимиз нафақат ички бозорни тўлдириш, шу билан бирга, ташқи бозорга ҳам чиқишдир, — дейди Ҳамидулла Сайдуллаев. — Бунинг учун замонавий технологияларни пухта ўзлаштиряпмиз. Бундан ташқари, кристалон, кальцепт, калий озуқаларини томчилатиб суғориш жараёнида экинларга беряпмиз. Об-ҳавога қараб, бу ҳар ўн кунда, баъзида кунора ниҳоллар илдизига оқизилади. Ҳар хил касаллик, зараркунандаларга қарши махсус препаратлардан 3-4 кунда, экинлар ҳолатига қараб 10-15 кунда фойдаланамиз.

— Ҳа, аҳил жамоа тармоқни янада ривожлантириш йўлида астойдил изланяпти. Келажакда бу ерда гул кўчатларини етиштириш ҳам йўлга қўйилади. Бу эса вилоятда иссиқхона шароитида қишда ҳам турфа гуллар етиштириш учун имконият яратади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Акмал АЗИМОВ олган суратлар.*

Андижон вилояти

▼ ҚИШЛОВ – СИНОВ

# ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА – МАҲСУЛДОРЛИК ОМИЛИ

**Олтинкўл туманидаги «Бахт имкон ривож чорваси» фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Исмоилов бундан салкам етти йил олдин ширкат хўжалигининг сут-товар фермасини кимошди савдосида сотиб олганида ферма ночор эди. Қорамоллар асосан «швиц» зотига мансуб бўлса-да, ширали ва тўйимли озуқанинг мавжуд эмаслиги, парваришдаги эътиборсизлик, зооветеринария хизмати ишларининг жойида эмаслиги боис бу ерда ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш бир-икки литрдан ортмасди.**



Тадбиркор ишни озуқа базасини мустаҳкамлашдан бошлади. Шунингдек, ишчиларни ферма ривожланса, манфаатдорлик ошишига ишонтира олди. Илғор чорвадорларнинг тажрибасини ўргана бошлади. Хусусан, Қўрғонтепа туманидаги "Аваз" фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Содиқов ҳузурига тез-тез кирадиган, ундан тегишли маслаҳатлар оладиган бўлди.

– Чорва билан шуғулланиш оғир иш, – деган эди ўшанда Комилжон ака унга. – Бунга чидаган одам қаймоқ ялайди. Фақат хашак ва сомонга суяниб, сигир боқаман, деб ўйласангиз, ҳеч қачон мақсадга эриша олмайсиз. Наслни саралаш, маҳсулдор пода яратиш ҳам ширали озуқага боғлиқ.

Шундай қилиб тадбиркор ишга киришди. Бир оёғи далада, иккинчиси фермада бўлди. Ҳаракатлар ва изланишлар натижасини кўрсата бошлади. Уч йил деганда ширали озуқа етиштириш тизими ишга тушиб кетди. Каммаҳсул сигирларнинг баҳридан ўтилди. Маҳсулдор ғунажинлар парвариши биринчи ўринга чиқди. Пировард натижада эса маҳсулдор пода учун мустаҳкам замин қўйилди.

Бугун Фахриддин Исмоилов раҳбарлик қилаётган "Бахт имкон ривож чорваси" фермер хўжалигида бўлсангиз, бу ердаги шароитга ҳавасингиз келади. Сигирлардан кунига 25-42 килограммгача, ёғлилик даражаси 4,8-5,4 фоиз бўлган ёғли сут соғиб олинмоқда. Молларнинг вазнини ошириш борасида ҳам ижобий кўрсаткичлар намоён бўлмоқда.

– Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди, – дейди Фахриддин Исмоилов. – Қарор шарофати билан фермер хўжаликларига қатор имтиёзлар берилдики, натижада иқтисод қилинган маблағ чорвачиликни янада ривожлантиришда қўл келаётир. Мана шундай имкониятлардан фойдаланиб, молхоналарни капитал таъмирдан чиқардик. Ёзги айвонлар мажмуаси қайтадан барпо этилди. Сигирлар замонавий технология асосида соғиб олинмоқда. Яъни 10 бош сигирни соғиб олиш учун атиги 8-10 дақиқа кифоя қилмоқда.

Фермер республика миқёсида ташкил этилган ишчи гуруҳлари таркибида Польша, Германия, Австрияда бўлиб, чорвачиликни ривожлантиришга оид энг илғор тажрибалар билан танишганлиги боис, ўз хўжалигида уларни жорий этишга интилмоқда. Ана шу интилишлар туфайли хўжаликда наслдор қорамоллар бош сони 930 тага етди. Улардан 350 таси сигирлардир. Ҳозирда кунига 5,5 тоннагача серқаймоқ сут соғиб олиниб, қайта ишлаш корхонасига етказиб берилмоқда. Тайёрловчилар ҳам ўз навбатида, сут сифатига аъло баҳо беришиб, юқори нархда харид қилишмоқда.

Биз юқорида ширали озуқа ҳақида сўз юритган эдик. Фахриддин Исмоилов айни шу масалага жиддий ёндашиб, амалиётчи олимлар этагини маҳкам тутди. Аввало, озуқа экинлари тури кўпайди. Уларнинг ҳосилдорлиги барқарор ортиб бормоқда. Фермер хўжалигининг 151,2 гектар экин майдони бор. Ушбу майдонда донли силос, беда, озуқа қизилчаси, соя, рапс, перко, тритикали, кунгабоқар, арпа парваришланяпти. Айниқса, кузда номлари айтилган озуқа экинларининг аралашган ҳолда экилиши ва май ойининг бошида йиғиштириб олиниши эвазига ширадор озуқа базасига асос солинмоқда. Ундан сўнг эса дон ва силос учун маккажўхори экилаётир. Мазкур фермер хўжалиги озуқа рационида сомон умуман мавжуд эмаслиги эътиборга лойиқдир. Чорвадорларнинг "Сигирнинг сути тилида", деган гапи бежиз эмаслиги бу ердаги ривожланиш жараёнида исботини топмоқда.

– Ривожланган мамлакатларда ҳар гектар ердан камида 15 тоннагача озуқа бирлиги олиш одатий ҳол, – дейди қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Маъмурахон Маннопова. – Бундан 25 йил бурун биз ҳам ушбу кўрсаткични 8 тоннага етказиш ҳаракатига тушган эдик. "Бахт имкон ривож чорваси" фермер хўжалигида эса қисқа муддатда бу борада 10 тонналик марра эгалланди. Энди 15 тонналик довонга етиш учун изланишлар бормоқда. Бунинг учун эса, албатта, техника парки ҳам талабга жавоб бериши лозим. Айни пайтда Фахриддин Исмоиловнинг шу жараёнда иш олиб бораётгани эътиборга моликдир.

Фахриддин Исмоилов банк ва лизинг компаниялари билан ҳамкорликда ишлаш баробарида техника паркини ривожлантириб бормоқда. У шу йилнинг бошида замонавий комбайн харид қилди. Универсал ишлаш хусусиятига эга бўлган ушбу комбайн ёрдамида озуқа экинлари юқори сифатли ҳолда тез муддатларда йиғиштириб олинди. Қуруқ пичан тайёрлайдиган замонавий техника ҳам беда ўримини беш марта тўла ўтказишга имконият яратди.

Фермер хўжалигида меҳнат қилаётган Қобилжон Каримов, Шарофатхон Набиқулова, Гулнозахон Нурматова, Маъмурахон Ирисова каби чорвадорлар билан суҳбатлашганимизда англаганимиз шу бўлдики, хўжаликда манфаатдорликнинг ошиши ютуқлар гарови бўлмоқда.

Дарвоқе, яқинда бу ерда яна бир янгиликни жорий этишга киришилди. Бузоқ туғилиши биланоқ онасидан ажратилади ва алоҳида катаксимон кўчма тарздаги жойда парвариши давом эттирилади. Ҳозирча бундай катаксимон жой сони элликтани ташкил этмоқда. Бузоқлаш мавсуми бошлангунга қадар ушбу усул тўла жорий этилади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Молия муассасаларида

## “Ўзсаноатқурилишбанк”:
# ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, ЯҚИН МОЛИЯВИЙ МАДАДКОР

O‘ZSANOATQURILISHBANK

**Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ана шу қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда молия муассасаларининг, хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳам муносиб улуши бор.**

Бугун тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳамда уларга яратилаётган катта имконият натижасида ушбу соҳалар иқтисодиётнинг етакчи кучига айланиб улгурди. Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда эса банкларнинг ҳам муносиб улуши, молиявий мадади катта бўлаётир. Жумладан, “Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан яратилган шароитлар, кўрсатилаётган турли банк хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Банк кредитлари ҳисобига замонавий технологияларга асосланган корхоналар барпо этилмоқда, амалдаги ишлаб чиқаришлар янги технологияларга асосан модернизация қилинмоқда. Натижада янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳолининг даромадлари кўпайиб, фаровонлиги ошмоқда.

**МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТГА МАДАД**

